


634.1
М-634

ФАН ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР



М. М. МИРЗАЕВ

**МЕВА
БОҒЛАРИНИ
ПАРВАРИШ
ҚИЛИШ**



19-20

634.1
М-634

М. М. МИРЗАЕВ


Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

634.1

М 634

МЕВА БОҒЛАРИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

бр 20084



„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент—1958

СУЗБОШИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигимизнинг барча соҳаларини тобора ривожлантиришга қарата бир қанча муҳим қарорларни чиқарди. Бу қарорларда мевазорларни, узумзорларни кенгайтиришга ва мавжуд барча узумзорларда ҳосилдорликни оширишга, меваларнинг сифатини яхшилашга катта аҳамият бериш кераклиги кўрсатиб ўтилгандир.

Илғор агротехник тадбирларни кенг жорий қилиш боғдорчиликни тобора ривожлантиришга ёрдам беради. Бу агротехник тадбирлар илмий-текшириш муассасаларнинг қўлга киритган ютуқларига ва илғор колхоз ҳамда совхозларимизнинг энг яхши тажрибаларига асосланиб ишлаб чиқилган ва умумлаштирилгандир.

Партия ва Ҳукуматимиз томонидан мевачилик соҳасида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда мева кўчатларини ва дарахтларни тўғри ҳамда ўз вақтида парвариш қилиш ғоят катта аҳамиятга эга. Шунинг унутмаслик керакки, фақат яхши парвариш қилинган мева кўчатлари ва дарахтларигина яхши ўсади, мўл-кўл ва сифатли ҳосил етиштиради.

Мен боғларни парвариш қилишда республика-миздаги колхозларнинг далачиликлари ва боғ бригадирларига, ҳаваскор боғбонларга ҳамда колхоз раҳбарларига ёрдам кўрсатиш мақсадида шу китобчани ёздим.

ЁШ БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Янги ўтқазилган мева кўчатларининг яхши тутиб кўкариб кетиши ва ривожланиши учун уларни ўз вақтида ва мунтазам равишда парвариш қилиб туриш лозим.

Ёш боғларда ўтқазилиши зарур бўлган асосий агротехник қоидалар — боғларни ўз вақтида суғориб туриш ва озиклантиришдан, ёш дарахтларнинг кераксиз шох-шаббаларини кесиш ҳамда буташ йўли билан шаклга солишдан, дарахтларни турли касалликларга йўлиқишдан ва зараркунандалардан қўриқлаб боришдан иборатдир.

Кўчатларни боққа ўтқазгандан кейин улар дарҳол суғорилади, агар бу вақтда ариқда сув бўлмаса, челақ ёки бошқа идиш билан сув берилади. Шунинг ҳам эсда тутиш керакки, кўчатларнинг қайси вақтда экилишидан ва ернинг нами кўп ёки оз бўлишидан қатъи назар, экилган кўчатлар суғорилиши зарур. Суғорганда илдиз жойлашган тупроқ қатламлари сувга яхшилаб тўйдирилади. Тупроқда нам тўплаш ва ёш ўсимликларни қуриб қолишдан сақлаш учун дарахтларнинг айланаси доим юмшоқ ҳолатда тутилиши лозим. Баҳорикор тупроқли районларда ва енгил қумоқ тупроқли ерларда ёш дарахтларнинг айланаси (тупроқ юзи) 10—15 сантиметр қалинлиқда мульчилланади, яъни гўнг, похол, чиринди

ва бошқа шу кабилар билан ёпилади, шу ҳолича, яъни мульчилланганича бир-икки йил сақланади. Лекин вақти-вақти билан ер юзи (кўчат атрофи) чопиб юмшатиб турилади. Мульчиллаш шўрхоқ ерларда тупроқнинг унумдорлигини оширишга, тупроқда намликни сақлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, тузнинг ер устки қатламларига чиқишига имкон бермайди.

Ёш боғларнинг қатор ораларига, чопиқ қилинадиган экинлар, шу жумладан чигит экилганда жуда яхши натижа беради. Ёш дарахтлар ана шу экинлар ҳисобига нормал суғорилади, ўғитланади ва яхши парвариш қилинади. Лекин шунда ҳам, кўчатларни ўзига хос парвариш қилиш тадбирларини унутмай, комплекс агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиб туриш зарур. Дарахтларнинг танаси қуёш иссиғидан куйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун уларни кузда ва эрта баҳорда оқлаш керак. Қатор ораларига чопиқ қилинадиган экинлар экилган боғларни ҳайдаганда, қатор ораларига уруғ сеппганда, бу экинларнинг қатор ораларини ишлаганда, механизм воситаси билан культивация ўтказилганда ва суғориш ариқларини олганда дарахтларга шикаст етказмасликка алоҳида эътибор берилиши зарур. Ариқлар ҳар бир дарахт тупидан камида 50—60 сантиметр узоқликда олиниши керак. Ёш дарахтлар ўтқазилгандан кейин уларни бебош юрган ҳайвонлар томонидан синдирилишдан сақлаш лозим.

Дарахтлар одатда боққа ўтқазилгандан кейин буталиб, уларга шакл берилади. Бу жуда муҳим иш бир неча йил давом эттирилади. Бунда дарахтнинг аҳволига қараб, ҳар бир узун новданинг учдан бир қисми ёки ярми кесиб ташланади.

Маълумки, кўчат ердан кавлаб олинганда унинг илдизи бироз зарарланади, натижада кўчат ернинг устки қисмига нисбатан мувозанатини йўқотади. Бинобарин кўчатнинг танаси билан илдизлар орасидаги мувозанатни тиклаш ва ён шохларни тез ривожлантириш учун дарахтлар ўтқазилган ҳамон буталади.

Новдалар кесилганда ва қисқартирилганда уларнинг ташқари қисмига жойлашган куртакнинг юқорисидан буталади. Бунинг натижасида куртак ўсиб новда етказганда янги новда танга нисбатан нормал ўсади, новда эгилмайди, кесилган тананинг ички қисми қуйқашмайди, балки она новдаларнинг давоми бўлиб ўсади ва тез ривожланади. Новдани муайян бир томонга қаратиб ўстириш зарур бўлгандагина новдалар ён ёки ички куртакка тақаб, куртакнинг устидан кесиб буталади.


Соз тупроқли ерларда ёш боғлардаги кўчатлар экилган йили ойига икки марта суғорилади. Суғорилгандан кейин ердаги тупроқда намликни сақлаш мақсадида кўчат атрофлари, ариқ четлари доим чопилиб ва культивация қилиниб, юмшатилиб турилади.

Тупроқ қатламлари юза жойлашганда, тошлоқ, қумлоқ тупроқларда экилган кўчатларни суғориш миқдори орттирилади, яъни одатдагидан кўра 3—4 марта кўпроқ ўтказилади.

Ҳар йили кузда, эрта баҳорда кўкармай қолган кўчатлар ўрнига шу навининг ўзидан соғлом кўчатлар ўтқазилади. Хатоларга экилган кўчатлар алоҳида парвариш қилинади.

Ёш дарахтларни шаклга солиш ва буташ. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган дарахтлар шох-шаббаси қалин бўлади. Бу ҳол ҳосилни йиғиштириб олишни ва зараркунандаларга қарши курашни қийин-

лаштиради. Бундан ташқари, шакл берилмаган ва буталмаган дарахтлар кўп ҳосил берган йили уларнинг шохлари синиб тушади, бундай дарахтларга кўпроқ тиркагичлар қўйишга тўғри келади. Бу хил хатоликларга йўл қўймаслик учун боғбон дарахтларни шаклга солади ва уларнинг шох-шаббаларини йил сайин бутаб туради.



1-расм. Дарахтларни буташнинг турлари ва даражалари: 1) яғаналаш; 2) қисқача-новдаларнинг $\frac{1}{4}$, $\frac{1}{3}$ қисмини буташ; 3) ишонч билан, яъни дарахтларнинг ярим белигача буташ; 4) узун, яъни новдаларнинг учдан икки қисмини буташ.

Мева дарахтларининг шох-шаббаларини шаклга солиш (1-расм) ва буташ — боғда бажариладиган ишларнинг энг муҳими ва масъулиятлисидир. Шунинг учун ҳам бу ишлар фақат тажрибали боғбонлар қўлига топширилиши ва мутахассис боғбонларнинг назорати остида олиб борилиши лозим.

Дарахт шох-шаббаларининг тўғри шаклга солиниши ва буталиши шох-шаббаларнинг тез,

бақувват бўлиб ўсишини ҳамда ўсимликнинг ҳосилга эртароқ киришини таъминлайди. Нотўғри буташ эса дарахтга зарар етказади. Шакл бериш ишини кўчатларнинг биринчи ўсиш йилидаёқ бошлаш керак. Агар буташ иши узоққа чўзиб юборилса, дарахтларнинг ҳосилга кириши кечикади, кейинчалик дарахтларга шакл бериш, буташ иши қийинлашади, боғ тезда ишдан чиқади.

Мева дарахтларининг зотига ва навига яраша ўзига хос шакл бериш ва буташ турлари бор. Олма дарахти ўтқазилгандан кейиноқ унга шакл беришга киришилади, бу билан кўчатга кўчатзорларда бошланғич шакл берилади. Кейин шакл бериш яна давом эттирилади.

Мева дарахтларини шаклга солганда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Марказий ўрта новда ёки унинг атрофидаги тана новдаси ён новдалардан, пастки новдалар эса устки новдалардан бақувват ва баланд бўлсин;

2. Шох-шабба орасига ёруғлик ва ҳаво бемалол кириб туриши учун марказий (ўрта) новда ва унинг атрофи жойлашган асосий тана новдалар бўйига қараб ҳар томонга бир текис жойлашиб ўрин олсин;

3. танадаги асосий новдалар дарахт танасига тўғри жойлашган ва маҳкам ёпишган ҳамда кенг бурчаклар ҳосил қилган бўлсин, тиркагичлар кам миқдорда бўлган тақдирда ҳам синмасдан ҳосилни бемалол кўтариб турсин. Танадан чиқиб ўсиб кетган асосий ён новдалар 45 даражадан ортиқ кенгликда бурчак ҳосил қилиши керак. Агар новдалар танадан ўткир (тор) бурчак ҳосил қилиб чиқса, улар тез ажралиб кетади, ҳатто ҳосилни кўтара олмай синиб тушади;

4. дарахтларнинг шакли, шох-шаббаси уни танани парвариш қилишга, ҳосил шохларининг яхши ривожланишига, узоқ яшашига ва унумдор бўлишига ўнғайлик туғдирадиган ҳолатда бўлсин.

Боғдорчиликда дарахтларни шакллашнинг турли системалари қўлланилади. Булардан қаватли (лидаряная), сийрак қаватли, ўзгарган лидерли (қаватсиз) ва косасимон деб аталган системалар кенг тарқалгандир, шафтоли ва олча дарахтларига одатда косасимон системада шакл берилади.

Дарахтлар қаватли системада шаклланганда унинг биринчи қавати учун питомникдан беш асосий ён новдага эга бўлган кўчатлар тайёрланган бўлиши ва экилиши керак. Бу кўчатлар ўтқазилганда бешта новданинг ҳаммаси ҳам учдан бир қисмигача ёки ярмига қадар бўйидан кесиб қисқартирилади. Марказий новда ҳам кесиб қисқартирилади. Лекин марказий новда асосий ён новдалардан 15—25 сантиметр узунроқ қилиб кесилиши шарт.

Ўтқазилгандан кейин икки ёки уч йил ўтгач шох-шаббанинг иккинчи қавати пайдо бўлади. Бу вақтда марказий новдада ташкил топган биринчи қаватдан 60—70 сантиметр узоқликда бешолтита яхши ривожланган куртак қолдирилади. Марказий новданинг учи эса кесиб ташланади. Айни вақтда ён новдаларда ўсиб чиққан бир йиллик шохчалар учдан бир қисми ёки тўртдан бир қисмигача кесиб қисқартирилади. Новдалар кесиб қисқартирилганда улар марказий новдага эргашиб, бир текисда ва кучли равишда ўсадиган бўлади. Ҳар бир новдани кесиб қисқартириш даражаси унинг ҳолига ва ривожланишига қараб белгиланади.

Кучли ўсаётган ва юқорида жойлашган новдалар кўпроқ, пастки новдалар эса камроқ қисқартирилади. Марказий новдада қолдирилган куртаклардан иккинчи қаватнинг новдалари ва тана новдаси ўсиб чиқади. Кейинги икки-уч йил давомида ён шохчаларда ҳосил ташкил қилиш мақсадида асосий новдаларнинг тана (ён) новдалари ҳар йили учдан бир ёки тўртдан бир қисмигача қисқартиб қўйилади. Новдаларнинг бирибига илашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Новдалар нотўғри ўсса, уларни ўз вақтида ва агротехник қоидалар асосида кесиб, бутаб, тартибга солиб борилади.

Шох-шаббани қаватли системада шаклланинг устун томони — унинг осонлик билан ва тез фурсатда бажарилишидир. Бу ишнинг камчилик томони ҳам бор. Бу камчилик — асосий новдаларнинг бир-бирига яқин бўлиб жойлашганлигидир. Шу туфайли улар бир-бирини сиқади ва ўсишда бир-бирига халақит беради. Бу новдалар кўпинча дарахт танасига маҳкам ёпишмаганлиги сабабли синиб тушади. Сийрак қаватли системада шох-шаббанинг пастки қавати учта ёндош новдалардан шаклланади, устки асосий ён новдалар эса сийрак қолади. Асосий новда спиралга ўхшаш айланма ташкил қилиб, танага жойлашади.

Қаватсиз ўзгарган лидер системада шаклланиган дарахтнинг асосий новдалари қават-қават бўлмасдан, тананинг ҳар томонидан 10—35 сантиметр ораликда кетма-кет жойлашади. Дарахтнинг шох-шаббасини шу системада шакллаш учун питомник икки-учта асосий ён шох ҳосил қилган кўчатлар етиштириб чиқаради. Иккинчи йил ва ундан кейинги йилларда юқорида кўрсатилганидек оралиқ қўйиб, сўнгги асосий ён новдалар чиқарилади, бу новдалар устида эса ик-

кинчи, сўнгра учинчи тартибли новдалар ўсиб етишади.

Асосий ён новдаларнинг қанча бўлиши дарахтнинг ўсиш кучига боғлиқ. Кучли ўсадиган (Размарин, Кандил, Синап) сортларда етти-саккизта, шох-шаббаси кўп бўлган (Налив белий, Ранет Симиренко) сортларда эса беш-олтита новда қолдирилади. Асосий ён шохлардан ўсиб етишадиган иккинчи тартибдаги шохчалар танадан 40—50 сантиметр ораликда жойлашади.

Шундай қилиш керакки, асосий ён шохлар танадан 45 даражадан кам бўлмаган бурчаклар ҳосил қилиб ўсиб чиқсин ва дарахт танасининг ҳар томонида бир текис жойлашган бўлсин, шох-шабба қаватсиз ўзгарган лидер системада шаклланиб бўлгандан кейин марказий (ўрта) тана новдаси кесиб ташланади. Дарахтнинг шох-шаббасини шу системада шакллаш иши олти-саккиз йил давом эттирилади. Бу системанинг фойдали томони шундан иборатки, ундаги асосий новдалар танада мустаҳкам ёпишган бўлади ва дарахт ҳосилга кирганда тиркагичлар камроқ сарфланади. Бу системада шакл беришнинг камчилиги—ишнинг мураккаблиги ва шакл беришнинг узоққа чўзилишидир.

Дарахтни косасимон қилиб шакллашда ён новдаларнинг ўсишини кучайтириш учун бўйи 50—60 сантиметрга етган кўчат новдасининг устки қисми кесиб ташланади. Сўнгра бир ой ўтгач дарахт кўздан кечириб чиқилади ва илдиз бўғизидан 30—35 сантиметр юқорироқ танада ўсиб турган беш-олтита асосий новда қолдирилиб, қолганлари кесиб қисқартирилади. Қисқартириб қўйилган новдалар июль ойида тагидан танага

тақаб буталади, марказий (ўрта) новда эса кўчат экилаётган вақтдаёқ кесилиб қўйилади.

Ёш дарахтлар буталиб, шох-шаббаси шаклга солингандан кейин у сийраклаштирилади. Зарур бўлган тақдирда бир йиллик шохчалар ҳам қисқартирилади. Шох-шабба сийраклаштирилганда қуриб қолган, синган новдалар, шунингдек эгилган, осилиб турган, тўп-тўп, яъни икки-учта бўлиб, бир жойдан бирга ўсиб чиққан шохлар ҳам сийракланиб кесиб ташланади.

Ёш новдаларнинг бўйи 45 сантиметрдан ортиқ бўлганда улар кесиб ёки чилпиб қисқартирилади. Бундан ташқари, таянч ён шохлар ҳосил қилишга яроқсиз, ортиқча шохчалар кесиб қисқартириб борилади. Новдалар ғовлаб кетган вақтда улар учидан пинцировка қилинса, яхши натижа беради. Бу ишлар май ойида, новдаларнинг ўсиши ҳали тамом бўлмаган вақтда ўтказилади.

Ёш дарахтларни бутаганда қуйидаги асосий қондаларга риоя қилинади: кераксиз шох-новдаларни кесиб ташлаганда танага тақаб дўнгалак қолдирмай кесиш керак. Бир сантиметрдан йўғонроқ бўлган ҳамма кесик жойлар ўткир пичоқ билан текисланиб, юзига олиха ёки охра суркалади (2-расм).



2-расм. Нотўғри кесилганда (1) ва тўғри кесилганда (2) кесик ярасининг битиши.

Экилган кўчатларнинг қатор ораларини ишлаш ва улардан фойдаланиш. Мева дарахтларининг ўсиши ва эрта ҳосилга кириб, мўл ҳосил бериши кўчатларга дастлабки йилларда берилган парваришга боғлиқдир. Дарахтларнинг кучли равишда ўсишини, уларнинг барвақт ҳосилга киришини ва мўл-кўл ҳосил беришини таъминлаш учун ёш кўчат дарахтчаларини илғор агро-техник қоида асосида парвариш қилиш лозим.

Ёш боғларда дарахтларнинг илдизлари кўп жойни эгаллайди. Одатда кўчатлар ўтқазилган йили уларнинг илдизлари туп айланаси доирасидан нари бормайди. Лекин кейинчалик илдизлар жуда тез қанот ёйиб, туп айланаси доирасидан четга чиқади. Шунинг учун икки ёшли дарахтларнинг айланаси камида бир ярим метр, уч-тўрт ёшли дарахтларнинг айланаси камида икки метр ва беш-олти ёшли дарахтларнинг айланаси эса камида икки ярим-уч метр кенгликда белгиланади. Шунга қараб, дарахтнинг тевараги кўрсатилган кенгликда чопилиб турилиши ва юмшатилиши лозим. Дарахт ўсган сари илдизлари ҳам атрофга кўпроқ ёйилади, у бора-бора боғда дарахт учун белгиланган майдонни батамом эгаллайди. Шу сабабли кейинчалик бутун боғ майдони тўла ўғитланиб, чопиб ва культивация қилиниб, юмшатиб ҳамда суғориб турилиши керак.

Ёш дарахтчаларни ишлаш—туп айланаси доирасини чопиқ қилиб, тупроғини доим юмшоқ ҳолда сақлашдан иборатдир. Одатда дарахтдаги барглар тўкилгандан кейин, кузда ерлар 20—22 сантиметр чуқурликда чопилади. Ерларни чопганда асосий илдизларни ва дарахт таналарини шикастлантирмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак.

Ерда кўпроқ нам сақлаш учун кузги чопиқда кесаклар майдаланмайди.

Баҳорда ер 10—12 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Ёз мавсумида туп айланаси доираси уч-беш марта юмшатилади. Бунда ер камида олти-саккиз сантиметр чуқурликда чопиб юмшатилиши керак. Бу ишларни боғларни ўз вақтида суғориш ва бегона ўтларни ўтоқ қилиш билан боғлаб олиб бориш керак. Озуқа моддаси кам бўлган тупроқларда кўчатлар секин ўсаётган боғларда тупроқни юмшатиш вақтида ҳар гектар ер 120 килограмм азот ёки 20 тонна гўнг билан озиқлантирилиши лозим. Гўнг кузги шудгорлаш олдидан солинади, баҳорда ўсимликнинг атрофи чопиб юмшатилади.

Новдаларнинг яхши етилиши ва дарахтларнинг қишки қаттиқ совуқлардан зарарланмаслиги учун уларни сентябрь ойи ўртасида суғоришни тўхтатиш керак.

Ёш боғларда қатор ораларига, одатда, экин экилади. Бунда ўсимликларни алмашлаб экиш усулини жорий қилиш тавсия қилинади. Чунки бу усул дарахтларнинг яхши ривожланишига ва ернинг унумдорлигини оширишга ёрдам беради. Алмашлаб экиш составига икки-уч йиллик беда, эртапишар сабзавот, полиз экинлари, картошка, қулфнай ва шу каби экинларни киритиш мумкин. Чигит экилса, янада ҳам яхши бўлади. Чунки гўзага кўп ўғит ва сув берилади. Шу туфайли у дарахтларнинг ривожланишига яхши таъсир қилади. Ёш боғларнинг қатор ораларига сентябрь ойида кечки суғоришни талаб қилувчи кечпишар картошка, карам, савзи каби сабзавотларни экиш ярамайди, чунки ёш дарахтлар новда чиқариб, қишга тайёрлаб улгура олмайди. Боғни барпо

қилгандан кейин дастлабки йилларда чопиқ қилинадиган экинлар экиш маъқул. Ҳосилга ҳали кирмаган боғларнинг қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинлари экилганда жорий қилинган ҳамма тадбирлар тупроқнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилиши лозим. Ёш боғлардаги дарахтлар секин ривожланганда бу майдонларга гўнг, азотли ва суперфосфатли ўғитлар солиш керак. Бир квадрат метр ерга 2 килограмм ҳисобида гектарига 20 тоннадан гўнг, 35 процентли азотдан бир квадрат метр ерга 2 килограмм ҳисобида гектарига 120 килограммдан соф азотли, 15 процентли фосфордан бир квадрат метр ерга 40—60 грамм ҳисобида 60—90 килограммдан соф фосфорли ўғит солинади.


Ҳосилга ҳали кирмаган боғлардагидек, ҳосилга кирган ёш боғларда ҳам турли экинларни экиш йўли билан алмашлаб экишни жорий қилиш мумкин.

ҲОСИЛГА ҚИРГАН БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Ёрни парвариш қилиш. Ҳосилга кирган боғни парвариш қилиш—тупроқдаги нам запасларини кўпайтириш ва озуқа моддаларини тартибга солишдан иборат. Ҳосилга кирган боғларни парвариш қилиш—дарахтларнинг йил сайин кўпроқ ривожланишини ва мева куртакларининг самарали бўлишини, меваларнинг яхшироқ тугилишини ва нормал ўсишини ҳамда новдаларнинг қиш фаслига яхши тайёрланишини таъминлаш демакдир.

Дарахтларнинг зотига, ёшига ва мева қилиш даражасига қараб, боғзорларни парвариш қилиш


усуллари ўзгаради. Боғдаги дарахтлар эндигина ҳосилга кирган (6—12 ёшли) бўлиб, ҳали унча катта бўлмаса, 4—5 йил мобайнида қатор оралари ёппасига эмас, балки туп айланасидаги доирагина ҳайдалади. Боғнинг қатор ораларига эса чопиқ қилинадиган экинлар ёки беда экилиши мумкин. Қатор ораларига экилган беда чорва молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга ҳам катта ёрдам беради. Шу билан бирга, беда ерда озуқа моддаларини ҳам кўпайтиради, ернинг структурасини яхшилайти ва уни бегона ўтлардан тозалайди.



3-расм. Дарахт танасининг атрофини ПЛС-5-25 маркали боғ плуги (лушильник) билан ҳайдаш.

Боғ қатор ораларига экилган бедани уч йилдан ортиқ сақламаслик керак. Агар беда кўп турса, у дарахтларнинг ўсишига ёмон таъсир қилиб, уни сиқиб қўйиши мумкин. Уч йил турган-

дан кейин қатор оралари ҳайдалиб, бедазор бузилади. Ҳосил бераётган боғнинг ери доим юмшатиш ва бегона ўтлардан тозаланган ҳолда тутилиши ҳамда тупроқ етарли даражада намга эга бўлиши лозим.



4-расм. Боғни эгатлар олиб суғориш.


Дарахт ривожланиб, катталашган сари унинг илдизи теварак-атрофига кенг ёйилиб, боғ майдонининг жуда кўп қисмини ишғол қилади. Шунинг учун ҳам дарахтнинг шох-шаббаси олинган доиранингина эмас, балки ундан ташқаридаги ерларни ҳам ишлаш ва парвариш қилиш лозим.

Дарахтларнинг шох-шаббаси тутатиб — зичлашиб кетган бўлса, мева боғларида ҳамма жойни соя босади, натижада боғ қатор ораларига экин экиш мумкин бўлмай қолади. Бундай боғзорларнинг доим яхши шудгорланган ҳолатда тутилиши лозим. Қатор оралари ҳар 2—3 йилда

бр 20084

(кузда) бир марта 20—25 сантиметр чуқурликда, дарахтларнинг илдизларини шикастлантирмасдан сифатли ҳайдаб қўйилади, дарахт тупларига яқинлашганда эса чуқурлик даражаси камайтиради (3-расм).

Эрта баҳорда ернинг қотиб қолишига қараб, бу майдонларга дискали мола босилади ёки чизелланади. Ҳосил кўп бўлган йилларда ёзнинг биринчи ярмида, тиркагичлар қўйилмасдан олдин ер 8—10 сантиметр чуқурликда юмшатилади.



5-расм. Мева дарахтларини бутаганда ишлатиладиган асбоб-ускуналар: 1) ҳавойи секатор ёки новда кесар қайчи; 2) рамга ўрнатилган қўл арра; 3) дастали арра; 4) боғ пи-чог; 5) боғ қайчиси — секатор.

Боғни ўғитлаш. Мева берадиган боғларда дарахтларнинг яхши ривожланишини таъминлаш ва уларнинг ҳосилини ошириш учун ҳар йили ерга озуқа моддалари солинади. Ўсимликлар яхши озиқлантирилганда нормал ўсади, дарахтлар ҳар йили муттасил ҳосил бериб туради. Ўзбекистон ерлари биринчи галда азот, кейин эса фосфор солинишини талаб қилади. Бизнинг шароитда тупроқда калий моддаси етарли миқдорда бўлади.

Ерга органик ўғитлар сифатида гўнг, ҳожатхона ахлати, ариқ лойи, эски девор тупроғи солинади. Шунинг ҳам эсда тутиш керакки, дарахтдан тушган меваларни емирувчи касалликларга йўлиқишдан сақлаш учун ҳожатхона ахлати чуқур эгатларга солиниб, усти яхшилаб кўмиб қўйилади. Гўнгнинг таркибида мева дарахтларига керак бўладиган ҳамма озуқа моддалари деярли бор. Гўнг айни вақтда ернинг физик хусусиятини—сув, ҳаво режимини ҳам яхшилайдди. Мева боғларига гўнг ерни кузги ҳайдашдан олдин солинади. Ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 30—40 тоннадан гўнг солиш тавсия қилинади.

Мева дарахтлари кўпинча аммиак, селитра ва сульфатаммоний каби минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Селитра таркибида 35, сульфатаммоний таркибида эса 20—21 процент соф азот бўлади. Сульфатаммоний ер қатламларидан селитрага нисбатан камроқ ювилиб кетади. Суперфосфатнинг таркибида 15—18 процент фосфор бор. Суперфосфат ўғити кузда солинса, у ўсимликка кўпроқ манфаат етказди. Минерал ва органик ўғитларни аралаштириб солганда маҳаллий ўғитларнинг нормаси икки марта камайтиради. Ўғитлар, айниқса фосфорли ўғитлар дондор қилиб солинганда ғоят яхши натижа беради. Чунки фосфорни кукун ҳолатида солганда ер фосфор кислотасини ўзига фойдасиз сингдиради, яъни у ўсимликлар учун кам фойда берадиган ҳолатга айланади. Минерал озуқа моддаларни гўнгга аралаштириб дондор ҳолатда солганда эса ўсимлик уни яхши ўзлаштиради.

Боғ қатор ораларига кўкат ўғит қилиб экилган экинлар ғоят самарали натижа беради. Кўкат ўғит қилиб экиш учун кузги Никольсон нўхати

ёки австрианум нўхати жуда фойдали ўсимлик ҳисобланади. Бу сортлар қишки совуққа чидамли бўлади ва яхши ўсади, у кўп миқдорда органик, сўнгра эса минерал моддага айланади, ўсимлик учун қўшимча ўғит манбаи ҳисобланади.

Кузги нўхат ҳар гектар ерга ўртача 150—180 килограммдан сентябрь-октябрь ойларида экилади, баҳорда—гуллай бошлаганда ҳайдалиб, тупроққа аралаштирилади. Боққа Никольсон нўхатидан ташқари, тупроқни ўғит моддаларига бойитиш мақсадида ёзги экин сифатида ловия ҳам экиш мумкин. Ҳар гектар ерга 80—100 килограмм ловия экилади.

Гўнгни ёки чириндини дарахтнинг туп айланаси доирасига кузда, ерни чопиш олдидан солиш яхшироқ. Гўнг ёки чириндини туп айланаси доирасининг ҳар бир метрига ўрта ҳисобда 4—5 килограммдан солиш талаб қилинади.

Фосфорли ўғитлар, одатда, кузда—ерни ҳайдаш олдидан солинади. Бу ўғитларни ҳар гектар ерга 60—90 килограмм миқдорида солиш керак. Мева берадиган боғларда ўғит боғнинг ҳамма жойига ёппасига солинади. Фосфорли ўғитларни чуқурроқ қилиб солиш юза солгандагига нисбатан фойдалидир. Ўғит ерга қанчалик чуқур солинса, уни мева дарахтлари ўзига шунчалик яхши сингдириб олади. Азотли ўғитлар, одатда, яхши эрийдиган бўлади. Бу ўғитларни кўкламда солиш маъқул. Ердан камроқ ювилиб кетадиган сульфатаммонийнигина қисман кузда ҳам солиш мумкин. Азотли ўғитлар йилда икки марта—кўкламда ерни бороналаш олдидан (дарахтлар гуллашидан 2—3 ҳафта аввал) ва культивациялашдан илгари—май ойи охирида ёки июнь бошларида (гулдан чиққандан кейин), яъни тугунчаларнинг


табiiй тўкилишидан олдин солиш керак. Маҳаллий ўғитлар 16—18 сантиметр чуқурликда плуг билан тортилган эгатларга суюқ ҳолатда солинади. Бу эгатлар тупнинг тўрт томонидан дарахтдан 60—80 сантиметр қочириб олинади. Органик ўғит эгатнинг ҳар 2—3 метрига 1—2 челақдан солинади. Эгатларга ўғит солингандан кейин у тупроқнинг юзида қолиб кетмаслиги керак. Ўғитни махсус ўғитлагичда солганда яхши натижа беради.

Боғни суғориш. Боғдаги дарахтларнинг нормал ўсишини ва ҳосилга киришини таъминлаш учун суғориш, тупроқда нам тўплаш ва уни сақлаш катта аҳамиятга эга. Боғни ўз вақтида ва тўғри суғориш тупроқда нам тўплаш ҳамда уни тўла сақлаб қолиш—боғдан ҳар йили муттасил юқори ҳосил олишга қаратилган энг муҳим агротехник тадбирлардан биридир. Боғлар турли усулларда суғорилади, яъни: 1) эгатлар орқали суғориш; 2) дарахтлар атрофига ҳовузча қилиб суғориш; 3) полларга ажратиб ёппасига суғориш; 4) сунъий ёмғир ёғдириб суғориш мумкин. Ўзбекистонда икки турли суғориш усули—эгатлар орқали (4-рasm) ва полларга ажратиб суғориш усуллари кўпроқ тарқалгандир. Шу билан бирга, туп атрофидаги ҳовузчага сув қуйиш ва ёппасига суғориш усуллари ҳам қўлланилади.

Суғориш муддатлари ва нормаси дарахтларнинг навига, ёшига, тупроқнинг таркибига, ерости сувларининг қандай жойлашганлигига, тупроқдаги шағал қатламига ва бошқа шароитларга қараб белгиланади.

Соз тупроқларда барпо қилинган ёш боғларга 8 мартдан 12 мартгача сув қуйилади. Республикамизнинг шимолий районларида мева берадиган

боғлар 4—6 марта, жанубий районларда 5—7 марта суғорилади. Сершағал ва қумлоқ ерларда суғориш миқдори 16—20 мартагача олиб борилади. Ерости сувлари юза жойлашган ерларда ёш дарахтлар 4—6 марта, мева берадиган дарахтлар эса 2—3 марта суғорилса бўлади. Соз тупроқли ерларни ҳар бир суғоришда гектарига камида 800—1000 кубометр, сершағал ерларни эса 400—500 кубометр миқдорида сув қўйиб суғориш ке-



6-расм. Дарахтни зонтиксимон, симли ва арқонли тиркагич билан тираб қўйиш.

рак. Кейинги суғоришда боғларга одатдагидан кўпроқ сув таралади ва суғориш ариқлари орқали олиб борилади.

Эгатлар орқали жилдиратиб суғорганда дарахт қатор оралари бўйлаб ариқчалар олинади.

Бу ариқчалардан сув жилдиратиб оқизилади. Ернинг бети қорайгандан ва тупроқ 100 сантиметр чуқурликкача намиққандан кейингина суғориш тўхтатилади (6-расм).

Нишоблик ерлар, шунингдек шўрхок ерлар поллар орқали ёки ёппасига сув қўйиб суғорилади. Бу усулни қўллашда шўрнинг ювилиши ва тузнинг пастга тушиб кетиши назарда тутилади. Бундан ташқари, сувдан навбатлаб фойдаланиладиган районларда ҳам бу усул кўпроқ тарқалгандир. Суғориш учун ҳар томонига 30 сантиметр баландликда пушта кўтариб поллар олинади ва сўнгра суғорилади. Бу усулда суғорганда тупроқда нам кўпроқ сақланади. Тупроқнинг ёрилиб кетмаслиги ва қотиб қолмаслиги учун ер ишлашга келган ҳамон уни чопиб юмшатиш керак.

Дарахт атрофи айланасига пол қилиб суғориш. Бу усул тик қиялик жойларда ва сув камчил бўлган районларда қўлланилади. Суғориш учун дарахт атрофида айланасига пол қилинади, сўнгра сув қўйилади.

Ёппасига қўллатиб суғориш усули беда экилган текис боғ майдонларида ва шўр ерларда қўлланилади. Бу усул билан суғорганда тупроқ илдизлар жойлашган чуқурликкача намланади. Соз тупроқли ерларда мева берадиган дарахтлар ҳар гал суғорганда сувни намлик 100—130 сантиметр чуқурликкача етганга қадар қўйиш керак. Ҳар бир суғоришдан кейин 2—3 кун ўтгач, одатда, ер сал қуриб қолади. Бу вақтда қатор ораларида экин бўлмаса, ерни дарҳол чопиб ёки культивация қилиб юмшатиб қўйиш лозим. Суғоришдан кейин ерни ўз вақтида чопиш ёки культивация қилиш йўли билан юмшатиш—тупроқда намнинг яхши сақланиб қолишини таъминлайди. Бу тад-

бирни айниқса сув камчил бўлган районларда жорий қилиш зарур. Тупроқ юмшатиладиганда капиллярлар бузилади, натижада ернинг остки қатламларидаги тузларнинг ер юзига кўтарилиши жуда сусаяди.

Ҳар бир суғоришни мева дарахтларининг ўсишидаги муайян даврларга боғлаб олиб бориш лозим.

Куз ва қиш фаслларида ёнғингарчилик кам бўлса, баҳорда эса қурғоқчилик рўй берса, дастлабки суғориш дарахтлар гуллаганга қадар ўтказилади. Иккинчи суғоришни сувни кўп талаб қиладиган мева гулдан чиқиб, тугунчалар ва новдалар ўса бошлаганда ўтказиш лозим. Учинчи суғориш июнь ойида—олма ва нокнинг тугунчалари ёппасига тўкилгандан кейин, тўртинчи суғориш июль ойида, бешинчи суғориш эса августда ўтказилади. Меваларнинг бузилмаслиги, сақланиб қолиш қобилиятини йўқотмаслиги учун уларни узиб олишга икки ҳафта қолганда суғориш тўхтатилади. Суғориш миқдори ва муддатлари ҳар жойнинг ўзида қатъий равишда белгиланади. Бунда ҳар қандай ернинг айрим шароитлари ва ўсимликларнинг сувга талабчанлиги назарда тутилади. Ерда намнинг бир текис туриши ғоят муҳим. Чунки жуда қақраб қолган ердаги мева боғларини суғориш—меваларнинг кўплаб тўкилиб нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Боғ қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинлари экилганда суғоришни ва парваришни боғнинг манфаатига қаратиб олиб бориш керак. Қатор ораларига беда экилган бўлса, суғориш миқдорини 8—10 тагача кўпайтириш лозим, чунки беда ерни жуда қақратиб қўяди.

Шартли суғориладиган ва лалмикор ерларда-

ги боғларда ёмғир ва қор сувларини тупроқда тўла сақлаб қолиш, суғорганда эса ер қатламларида тўпланган намни қочирмай, ундан ўсимлик учун етарли фойдаланиш учун кўчатлар ўтқазилгандан кейин дастлабки уч йил мобайнида туп айланаси атрофини мульчиллаш, яъни тупроғи чопиб юмшатиш туп айланаси устига 10—12 сантиметр қалинликда хашак аралашган гўнг, чиринди, ўт ёки бошқа ўсимлик қолдиқлари ёпиб қўйиш керак. Лалмикор ерлар ва шартли суғориладиган ерлардаги боғларда ер қатламларининг доим нам бўлиши—энг муҳим агротехник тадбирлардан биридир. Бу тадбирларга тўғририоя қилганда ва уни амалга оширгандагина баҳорикор ерлар шароитида мева дарахтлари нормал ўсади, ривожланади ва мўл-кўл мева ҳосили етиштиради.

Лалмикор ерларда қишки суғоришларга, яъни яхоб сувни беришга ва қорни тўсиб сақлашга айнақса катта аҳамият бериш керак. Қишда ерга яхоб берганда тупроқ қатламларида нам кўпроқ тўпланади ва ерда қишловчи зараркунандаларнинг кўпи қирилиб кетади.

Қишқи суғоришлар учун энг қулай вақт — ноябрь-декабрь ойларидир. Чунки бу ойларда қора совуқлар ҳали бошланмаган бўлади, ер музламайди. Биронта сабаб орқали қишда боғ суғорилмай қолса, у вақтда эрта баҳорда албатта суғориш керак бўлади.

Ернинг энг чуқур қатламларини намиқтириш учун қишда боққа сувни кўпроқ қуйиш зарур. Шўрхок ерларда қишки суғориш билан ернинг шўри ҳам айнаи вақтда ювилади. Дарахтзорларни баҳорда дарахтлар амал олиб куртак ёзганича, яъни февраль ойи охирида ва март бошларида

суғориш керак. Лалмикор ерларда яхоб бир-икки марта, шағал қатлами юза жойлашган ерларда эса уч марта берилади.

Дарахтларни буташ. Мева берадиган боғларда дарахтларнинг шох-шаббаларини тартибли тутиш, синган ва бир-бирига илашиб кетган, шунингдек шох-шаббага соя соладиган ортиқча новда-бутоқчалар буталиб ташланади.

Ортиқча новдалар кесиб ташланмаса, дарахтнинг шох-шаббаси қуюқлашади ва асосий (она) шохларнинг пастки қисми ёруғ тушмаганлиги туфайли тез орада яланғочланади. Бундай ҳолларда ҳосил шох-шаббанинг устки қисмидаги шохларнинг учигагина ўсиб етишади. Бу ҳол эса шохларнинг ҳосил оғирлигидан синиб тушишига сабаб бўлади ва меваларнинг узиб олинишини қийинлаштиради.

Бачки новдалар ўсиб чиққанда уларнинг шох-шаббани тўлдиришга ярамайдиган қисми кесиб ташланади ёки кўпроқ кесиб қисқартирилади. Шу йўл билан улар яхши ўсадиган шохларга айлантирилади.

Яхши ўсиб турган ва бўйлари 35—50 сантиметрга етган шохлар қисқартиришни талаб этмайди. Баъзи дарахтлар бир неча йиллаб муттасил ҳосил бергандан кейин ҳар қанча парвариш қилинса ҳам яхши ўсмайди ва кам ҳосил қиладиган бўлиб қолади. Бундай ҳолларда уларнинг ривожланишини кучайтириш учун дарахтнинг шохлари учидан 1—2 йиллик новдалари каллакланади. Шунингдек шох-шаббанинг ички томонини қоплаб олган ва қуриётган шохчалар ҳам кесиб ташланади. Шох-шабба сийраклантирилганлиги ва қисқартирилганлиги натижасида яхши, бақувват бўлиб ўса бошлайди.

Дарахт жуда секин ёки ўсишдан бутунлай тўхтаса, у каллакраниб, 3—4 ёшлик шох ва новдаларигача кесиб қисқартирилади. Кекса дарахтларнинг эса 8—10 ёшлик шохларини кесиб ташлаш йўли билан яшартирилади.

Дарахтларни каллаклаш зарур бўлган тақдирда аввало мутахассис боғбон билан маслаҳатлашмоқ керак. Каллакланадиган (яшартириладиган) дарахтларнинг тупроғи бир йил олдин яхшилаб ўғитланиши ва каллакланадиган йили кўпроқ суғорилиши лозим.

Дарахтларни буташи учун энг қулай вақт баҳор фаслидир. Аммо катта боғларда бу ишни куздаёқ бошлашга ва баҳорда тамомлашга тўғри келади. Қаттиқ совуқ бўлган кунларда дарахтларни буташи ярамайди.

Дарахтларни буташи, каллаклаши ва шакл бериши учун керак бўлган асбоб-ускуналарни — секаторни, пичоқларни яхшилаб қайраши ва арраларнинг тишларини очиб сошлаб қўйиши лозим. (5-расм).

Баъзан туп тагида илдиз бўғизидан бачки новдачалар ўсиб чиқади. Бу новдачалар дарахтни заифлаштириб юборади. Тана атрофидан ўсиб чиққан бундай бачки новдачаларни тагидан тозалаб кесиб ташлаш лозим. Бачки новдалар ўсиб чиққан сайин у кесиб йўқотилади.


Йирик шохлар буталгандан кейин кесик жойлар яхшилаб парвариши қилинмаса, танада кавак пайдо бўлади. Ана шу кавакнинг ичини тозалаш ва унга цемент тўкиб суваб қўйиши лозим. Кавак катта бўлганда, тозалангандан кейин кавакка майдаланган ғишт, шағал солиниб, устидан қум аралаш цемент эритмаси қуйилади. Бу эритма бир қисм цементга уч қисм қум аралаштириб тайёрланади.

Дарахтни нотўғри буташ натижасида кесик жойлар ўса олмайдиган тўнкаларга айланса, ўша тўнкаларни тагидан албатта танага тақаб кесиб ташлаш, соғлом жойига қадар ярасини тозалаш, унга боғ замазкаси суркаш лозим. Замазка 16 қисм янги сигир гўнги, 8 қисм ачитилган эски оҳак, 8 қисм ёғоч кули ва бир қисм қум аралаштириб тайёрланади.

Бошқа турда замазка тайёрлаш мумкин. У бир қисм лойга бир қисм сигир гўнги аралаштириш йўли билан тайёрланади. Бириктириш мақсадида унга бироз жун ҳам қўшиш мумкин. Бундай замазкаларни ҳар бир хўжаликда тайёрласа бўлади. Лойдан қилинган замазкани суркагандан кейин ўша жойга латта ўраб, каноппи билан боғланади.

Ҳосилни парвариш қилиш. Дарахтлар кўп ҳосил қилган йилларда мевани тўкилиб кетишдан ва оғирликни кўтара олмаганлиги туфайли шохлари синиб тушишдан сақлаш учун дарахтга тиркагичлар қўйилади. Тиркагичларни меваларнинг кўп қисмига, шохларнинг уч томонига қўйиш зарур. Одатда олма ва нок дарахтларига кўпроқ, данакли мева дарахтларига эса камроқ тиркагичлар қўйилади. Тиркагичлар меваси кўп бўлган ҳар бир шохнинг қоқ ўртасига ёки учроғига яқинроқ қилиб тикка, ё бўлмаса дарахтнинг ич томонига сал эгиб қўйилади. Тиркагичнинг пастки учи ерга ўрнатилади. Тиркагични шундай қўйиш керакки, у шохни баланд кўтариб, унинг нормал вазиятини ўзгартирмасин. Тиркагичнинг учидан шохни ушлайдиган айри бўлиши керак. Айри бўлмаган тақдирда тиркагич новдага (ҳосилли шохга) боғланади. Тиркагич қўйиш, одатда, май ойида бошланиб, июль охирида тамомланади.

Тиркагич қўйишнинг зонтиксимон деб аталган усули яхши ҳисобланади. Ҳосилдор дарахтларни шу усулда тираб қўйилганда туп айланаси доирасини бемаъл ол чопиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, бу усул қўлланилганда тиргагичлар камроқ кетади. Зонтиксимон усулда тиркагич қўйилганда шох-шаббанинг марказида (ўртасида) жойлашган танага битта узун бақувват тиркагич тираб қўйилади. Бу тиркагич шох-шаббанинг устидан чиқиб туради ва бир неча жойидан дарахт танасига маҳкам қилиб боғланади. Ана шу марказий тиркагичнинг танасига зонтик шаклида енгилроқ тиркагичлар боғлаб қўядилар. Асосий ва майда шохлар бир текисда шу тиркагичларга боғланади. Бу — бир каркас шаклини



7-расм. Нарвонларнинг хилма-хил турлари: а) оддий нарвон; б) икки аёқли нарвон; в) нарвон-скамейка (эшак).

олади. Бу каркасинг мустаҳкам бўлиб туриши учун унинг айланасига чамбарак шаклида қилиб бир-икки қатор майда ён тиркагичлари боғланади. (6-рasm).

Мевалар териb олингандан кейин тиркагичлар йиғиб олинади ва пирамида шаклида тахлаб сақланади. Тиркагичлар учун тол, терак, акация ёки қарағай дарахтларидан кесиб олинган ходалар ишлатилади. Ҳукумат қарорига мувофиқ тиркагичлар ўстириб етиштириш учун ҳар бир хўжаликнинг ўрмонзори ҳам бўлиши керак. Бир гектар ўрмонзор бўлганда ҳар бир 10 гектар боғни тиркагичлар билан бемалол таъминлаши мумкин.

Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳосилни йиғиб олишга олдиндан тайёргарлик кўриш лозим. Меваларни териш учун идиш, керакли материаллар, нарвон ва меваларни сақлаш ҳамда сортларга ажратиш учун бостирма тайёрланиши керак. Меваларнинг зарарланмаслиги учун саватларнинг ичига мата тикилади. Шохларга ёки нарвонларга осиб қўйиш учун саватларга илмоқ ўрнатилади. Меваларни узиб олишга киришиш олдидан ҳар бир узувчига меваларни узиб олиш тартиби ўргатилади. Мева узувчилар нарвон (7-рasm), 4—6 тадан сават, мева тўлатилган саватларни пастга тушириш, бўшатирилганларини эса юқорига тортиб олиш учун 5—6 метр узунликда арқон билан таъминланади.

Меваларни йиғиб олиш вақтини белгилаш гоят муҳим. Мевалар вақтидан илгари узиб олинганда умумий ҳосил камаяди ва меваларнинг сифати пасаяди. Меваларни вақтидан ўтказиб терганда ерга тўкилган меваларнинг миқдори кўпаяди. Кеч пишар меваларда ҳосил кеч етиштирилса, дарахтлар заифланади ва совуққа бардош

бера олмайдиган бўлиб қолади, келгуси йили кам ҳосил беради.

Меваларни узиб олиш ишига бепарво қараш— меваларнинг сифатини пасайтиришга сабабчи бўлиш демакдир.

Мевани узиб олишнинг ўзига хос тўғри техникаси бор. Қўл кафтини меванинг тагига олиб келинади, мева қаттиқ сиқилмасдан панжа билан аста ушланади. Бунда мева кафтнинг қоқ ўртасида туриши, кўрсатгич ёки ўрта бармоқ шохчага ёпишган бандга тақалиши керак. Кейин мева панжада аста буралади ва сал юқори кўтарилиб, шохчадан узиб олинади ҳамда секингина саватга қўйилади. Одатда меваларни узиб олиш пастки шохлардан бошланиб, кейин аста-секин юқорида жойлашган шохчаларга ўтилади.

Узоқ жойларга юбориладиган олча ва олхўрилар тўла етилишига 3—4 кун қолганда узиб олинади. Узилгандан бошлаб истеъмолчиларга юбориладиган меваларни тўла пишгандан кейин узиш яхшироқ. Олча ва гилос узилганда бандидан сал қолдириб, қайчи билан қирқиб олинади. Бундай мевалар узоқ жойларга юборишга чидамли бўлади, йўлда бузилмайди. Олча узиб олингандан кейин дарҳол истеъмолчиларга сотиладиган бўлса бандсиз, олхўри эса бандли узиб олинади. Унинг бузилмасдан яхши сақланишини ва узоқ жойларга юборилишини таъминлаш учун устидаги мумсимон ғуборнинг артилиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Меваларни ўз вақтида сифатли узиб олиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ғоят масъулиятли иш. Меваларнинг ҳосилдорлиги, сифати ва боғдорчиликдан олинadиган даромад ана шунга боғлиқ.

Мевалар узиб олингандан кейин улар муайян мақсадларда фойдаланилади: қуритилади, сотилади, маълум жойларга юборилади ва сақланади. Сақланидиган ёки узоқ жойларга юбориланидиган мевалар сифатига ва катта-кичиклигига қараб сортларга ажратилади, яшикларга жойлаштирилади ва муайян жойларга юборилади. Узоқ вақт сақланидиган кузги ва қишки мевалар махсус омборларга яхши жойлаштирилиб сақланади. Бу омборларнинг температураси доим бир текисда 2 градусдан 3 градусгача иссиқ, намлиги 80—85 процент бўлиши лозим. Мевалар яшикларда ёки стеллажларда сақланади.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ


Кўкламги совуқларга қарши кураш. Мева дарахтларини кўкламги совуқлардан сақлаш ғоят муҳим ишдир. Шу нарсани яхшилаб эсда тутиш керакки, 2—3 соат давом этадиган қаттиқ совуқлар бутун ҳосилни нобуд қилиши мумкин. Ҳолбуки, мева ўсимликларининг ғунчалари 2—3 градус совуқ бўлса ҳам нобуд бўлади.

Дарахтларни кўкламги совуқлардан сақлаш мақсадида куртаклар бўртиб чиқишдан олдин дарахтларга ёппасига оҳак эритмасини пуркаб оқлаш маъқул. Бу эритма бир челақ очилмаган оҳакка 2 челақ сув қўшилиб тайёрланади. Оқлашнинг мустаҳкам бўлиши учун бир челақ эритмага 200 грамм клейстер ва 200 грамм темир купороси ҳам қўшилади. Бу эритма пуркалганда дарахтларнинг гуллаши 3—4 кунгача кечикади. Қаттиқ совуқлар бўлиши кутилганда боғни ёппасига кўллатиб сўғориш керак. Чунки яхши намиқтирилган тупроқ ердаги иссиқликни ўтказиш қоби-

лиятига эга бўлади, натижада, ернинг пастки қатламларидаги иссиқлик устки қатламларига ўтиб, ҳаво температурасини оширади.

Қора совуқлар бўлган вақтда дарахтлар дудланади. Дудлаш учун боғнинг ҳар жой-ҳар жойига похол аралаш гўнг, ёғоч қириндиси, майда қуруқ шохчалар, қуруқ поя-барглар ёндирганда эса кўп дуд чиқарадиган бошқа материаллар тўплаб қўйилади. Бир гектар ерга баландлиги бир метр ва эни 1,5 метр келадиган 100—200 та уюм тўплаб қўйилади. Дарахтлар гуллай бошлаганда боғда ҳаво температурасини кузатиб туриш учун тунги назоратчилар белгиланади. Агар кечқурун ҳамда тунда ҳаво очик ва ойдин бўлиб, температура 4—5 градус пастга тушса, бунда қаттиқ совуқ бўлиши кутилади. Бу ҳолда азонга яқин муқаррар дудлаш зарур бўлади.

Ёқилғи материалларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уюмлар қўйидаги тарзда тўплаб



8-расм. Дудлаш уюми кесиб кўрсатилган: а) тез алангаланадиган материал; б) секин ёнадиган материал; в) тупроқ; г) қозиқлар.

қўйилади: ерга қадалган қозиқ айланасига қуруқ похол, барг, қурқ гўнг каби нарсалар тўпланади, бунда битта уюм $\frac{1}{4}$ — $\frac{1}{3}$ ҳажмида бўлиши ке-

рак. Кейин ҳўл нарсалар (ҳўл гўнг, поя-барг ва ҳоказолар) қўйилиб, уюмнинг устига оз миқдорда тупроқ ёпилади (8-расм). Уюмнинг тагига 1—2 та қозиқ тиқиб қўйилади. Бу қозиқлар ёрдами билан уюмнинг ёниб туришини тартибга солиш мумкин. Ўт қўйиш олдидан уюмнинг ўртасидаги қозиқ тартиб олинади. Бу қозиқ олингандан кейин очилган тешик жойига алангали машъал тиқиш орқали уюм ёқилади. Уюм яхши ёнмаган тақдирда пастки қозиқ сал юқори кўтарилади. Бундан ичкарига ҳаво кириб, уюм яхши ёна бошлайди.

Хавф туғдирувчи температура бошланган тақдирда уюмга шамолга тескари турган томондан ўт қўйилади. Дастлаб уюмнинг умумий миқдоридан фақат 40—60 процентчаси ёндирилиб, кейинчалик қолган қисмидан фойдаланилади. Дудлаш кун чиққандан кейин 1—2 соат ўтгач тўхтатилади. Тутун бутун боғни ёппасига ўраб олгандагина дудланган дарахтларни совуқ уришдан сақлаш мумкин.

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш. Боғни зараркунандадан ва касалликлардан ҳимоя қилишда агротехник, санитария-профилактик ва зараркунандаларни қириш тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш катта роль ўйнайди. Бу тадбирларнинг бажарилиши учун боғларни барвақт ишлаш, бегона ўтлардан сақлаш, қуриб қолган ва касалланган новда-бутоқларни қиш мавсумида кесиб ташлаш, дарахт таналарини ва она шохларнинг тагини икки марта — кузда ва баҳорда оқлаш керак. Кекса боғларда оқлашдан олдин дарахт таналаридаги ва она шохлардаги қуриб қолган пўстлоқлар олиб ташланиши ва куйдириб юборилиши шарт.

Дарахт пўстлоғининг устки қаватлари қуриб қолган вақтда уларда ёриқ жойлар ва тангачалар пайдо бўлади. Бу ёриқ жойларда ва тангачалар остида мева дарахтларининг турли зараркунандалари кўп миқдорда тўпланади. Шунинг учун ҳам ҳар йили куздан бошлаб то март ойига қадар дарахт пўстлоқлари тозаланиб турилади. Бу иш фақат қишнинг совуқ кунларида бажарилмайди. Дарахт пўстлоқларини тозалашда сим чўткалар ва махсус қирғичлар ишлатилади. Дарахт танаси ва бутоқлари орасидаги қуриб қолган пўстлоқларни айниқса яхшилаб тозалаш лозим. Тозалаш вақтида соғлом пўстлоқларнинг шикастланишига йўл қўймаслик керак. Қуриб қолган пўстлоқлар дарахт танаси теварагига ёзилган шолча ёки қопқанорлар устига қирқиб туширилади. Қирқиб туширилган ҳамма қириндилар ёқиб юборилади. Май ойида тозаланган барча мева дарахтлари тепасига қопқанор материалларидан белбоғ бойлаб чиқилади. Бу белбоғ кейинчалик ҳар 8 — 10 кунда бир марта ечиб текширилади. Белбоғ орасига ҳамда остига тўпланган мева қуртлари ва ғумбаклари олиб ташланиб, йўқ қилинади. Бундай белбоғларни бутун мавсумда ечиб текширмаслик учун уни боғлашдан олдин дарахт танасига 3 процентли эмульсия дориси суркалади. Шу эмульсия тиофос концентратида (НИИУИФ-100 да) тайёрланади.

Боғни зараркунанда ва касалликлардан батомом қутқариш учун юқорида айтилган тадбирларга қўшимча равишда зараркунандаларни доим қириб туриш ҳам зарур эканлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу тадбирлар—дарахтларни химик усулда дорилашдан иборатдир.

Химик усулда дорилашнинг энг муҳимлари

қуйидагилардан иборат: олма ва нок дарахтларига гунафшаранг қалқонлар суркалади. Шира тушган бўлса, бу зараркунандалар тушган жойда дарахтга эрта баҳорда, яъни куртаклар очилмасдан олдин 8 процентли карболинеум эмульсияси ёки урчиқ мойидан тайёрланган 6 процентли эмульсия пуркалади. ОП-10 мазидан тайёрланган эмульсия ҳам пуркаш мумкин. Дарахтлардаги куртакларга ҳамда баргларга тўрвали куя ва олма куяси тушиш хавфи туғилса, куртаклар бўртганда дарахтларга 10 литр сувга 200 грамм ДДТ эмульсия қўшиб тайёрланган эритма пуркаш керак бўлади.

Боғ ҳосилини олма қуртидан ҳимоя қилиш учун боққа қуйидаги муддатларда дори сепишга тўғри келади: дарахтларга эритма биринчи галда меваларнинг қайси вақтда етилишидан қатъи назар гуллаш тамом бўлгандан кейиноқ пуркалади. Бу пуркашда 10 литр сувга 5,5 процентли ДДТ дустидан 400 грамм ёки 30 процентли ДДТ дустидан 100 грамм ва ДДТ эмульсияси концентратидан 100 грамм қўшиб тайёрланган эритма ишлатилади.

Ўрта ва кеч пишар мевали дарахтларга доривор иккинчи марта июннинг иккинчи ярмида пуркалади. Бу галдаги пуркаш вақтда биринчи пуркашда кўрсатилган дозировкада тайёрланган ДДТ дустигина ишлатилади.

Учинчи марта фақат кечпишар мева дарахтларига эритма июль ойи охирида ва август бошларида пуркалади. Учинчи галдаги пуркашда 10 литр сувга 5,5 процентли ДДТ дустидан 300 грамм ёки 30 процентли ДДТ дустидан 60 грамм қўшиб тайёрланган эритма ишлатилади.

ДДТ билан дориланган дарахтларда барглар-

га катта зарар етказадиган ўргимчаккана пайдо бўлиб қолмаслиги учун таркибида юқорида кўрсатилган ДДТ бўлган барча эритмаларнинг ҳар 10 литрига 100 граммдан коллоид олтингугурт қўшиш ёки ДДТ эритмасини 0,5 процентли оҳак-олтингугурт қайнатмасида (ИСО) тайёрлаш керак.

Мева қуртларига қарши курашда юқорида кўрсатилган пуркашлардан ташқари, нок дарахтларида пайдо бўладиган ширага қарши кураш учун уларга бутун ёз давомида ҳар 10—15 кунда бир мартадан таркибида оҳак-анабазин бўлган эритма ҳам пуркаш керак. Бу эритма 10 литр сувга 100 грамм очилмаган оҳак, 15—20 грамм анабазин қўшиб тайёрланади. Бундан ташқари, сентябрь ойида, яъни дарахтдан нок узилиб олингандан кейин дарахтларга 10 литр сувга 400 грамм гексахлоран дустини қўшиб тайёрланган эритмани ҳам пуркаш лозим.

Кекса ва ёш боғлардаги дарахт баргларида ўргимчаккана кўрина бошласа, бу жойлар янчилган олтингугурт билан чангланади. Баргларга шира, ўргимчаккана тушганда дарахтларга 10 литр сувга 30—40 граммдан кир совун ва 10—16 граммдан анабазин қўшиб тайёрланган эритма пуркалади.

Ўрикзорларда данакли мева дарахтларига тушадиган раға касаллигига қарши курашиш учун кузда, хазонрезликдан кейин дарахтларга 3 процентли бордос эритмаси ёки 5 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси пуркалади. Агар кузда пуркаш имконияти бўлмай қолса, у вақтда баҳорда, яъни дарахтлардаги куртаклар очилмасдан олдин пуркалади. Гуллаш тамом бўлгандан кейин эса 12—15 кун ўтгач дарахтларга бир процентли

бордос эритмасини икки марта пуркаш керак. Дарахтларга ўрик филчаси ёки бошқа кемирувчи зараркунандалар тушган тақдирда тайёрланган бордос эритмасининг ҳар 10 литрига 5,5 процентли ДДТ дустидан 300 грамм қўшиб пуркалади.

Дарахтларга шира тушганда уларга совун-никотиндан тайёрланган эритма пуркалади. Бунинг дозаси ҳам данакли меваларникидек бўлади.

Шафтолизорларда баргларнинг бужмайиб қолишини йўқотиш учун баҳорда—куртаклар бўрта бошлаганда дарахтларга 3 процентли бордос суюқлиги пуркалади.

Олхўри боғларида олхўри қалқондорларини йўқотиш учун баҳорда, яъни куртаклар очилмасдан олдин дарахтларга карболинеумдан тайёрланган 6 процентли эмульсия ёки 3 процентли ДДТ эмульсияси концентрати пуркалади.

Боғларда ҳашаротларни қириш учун заҳарли моддаларни ишлатиш ғоят сезгир ва эҳтиёткор бўлишни талаб қилади. Бу ишларни бажарувчи кишилар заҳарловчи моддалар билан ишлашда хавфсизликни сақлаш қоидалари билан пухта танишиб чиқишлари лозим. Устида меваси бўлган дарахтларни заҳарли моддалар билан пуркаш иши ҳосилни йиғиштириб олишга 20 кун қолганда тўхтатилиши лозим.

На узбекском языке

Кандидат сельскохозяйственных наук

М. М. Мирзаяев,

УХОД ЗА ПЛОДОВЫМ
САДОМ

Объединенное издательство „Кыш
Узбекистан“, „Правда Востока“
и „Узбекистони Сурх“,
Ташкент — 1958

Редактор Б. Маҳмулов Техн. редактор Р. Старченко
Корректор В. Ҳакимов

Теришга берилди 24/III 1958 й. Босишга рухсат этилди 6/V 1958 й
Қоғоз формати $84 \times 108^{1/32}$. Физ. листи 1,25. Шартли босма
листи 2,05. Нашриёт ҳисоё листи 1,48. Тиражи 21100. Р 04315
Нашр № 80. Заказ № 475. Баҳоси 80 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси. Тошкент,
„Правда Востока“ кўчаси, уй № 34.